INTERNATIONAL JOURNAL OF SCIENTIFIC RESEARCHERS
Volume 1,issue 1,2023

МАТОГА БИТИЛГАН НАҚШЛАР ЖИЛОСИ

С.С.Носирова
Осиё халқаро университети ММ-8ПП-22
гурух магистранти

“Биз буюк давлат, буюк тарих,
буюк маданият яратган халқмиз!”
Мирзиёев Ш.М.

Аннотация: Маҳаллий зардўзи усталаримиз қўл мехнати орқали ўзимизнинг ота-боболаримиз аньаналарини давом эттираверіб ғайри оддий жозиба, нафосат ва ҳарорат уфуриб турадиган дурдона санъат асарларидан бири бўлмиш зардўзи фаранги рўмолда, зардўзлик ҳунаридаги таълимий ҳамда тарбиявий аҳамиятлар баён этилган. Музейлардаги давлат мулки саналган ноёб буюмларни таъмирлашдан мақсад, музей кўргазма залларини бойитиш, уларни асраб қолиш ҳамда аждодларимиз қолдирган буюк меърос билан жаҳон аҳлини ҳайратга солишдан иборатдир.

Калит сўзлар: Бухоро давлат-музей қўриқхона, ипак мато, зардўз, фаранги рўмол, зар, нақш, безак, доирагул, бодом, мажнунтол новдалари, чор модохил, таъмирлаш, кўргазма.

Инсоният яралибдики у эришган юксак инқилобий ўзгаришлардан бири кийим-кечакларнинг яратилишидир. Одамзод табиатда фаслларининг алмашинувига қараб, ўз танасини асраш мақсадида кийимга эҳтиёж сезганлар. Дастлаб ҳайвонлар териси ва жунидан. Масалан: туя, қўй, эчки ёки ҳар хил ўсимликлар (каноп, зиғир) пояларидан хом-ашё сифатида фойдаланган бўлсалар, кейинчалик пахта, пилла (ипак) толаларидан бош кийимлар, матолар тўқилиб кийим-кечаклар тикилган ва шунга ўхшаш уй-рўзғор буюмлари яратила бошланган. Инсоният бу билан чегараланиб қолмасдан уларга янада жозиба бериш мақсадида, ранг бериш ва ҳар хил безаклар солиш сирларини кашф қилганлар. Бу мисли кўрилмаган кашфиётлардан бири бўлди десак хато қилмаймиз. Матоларга ранг беришда турли хил ўсимликлар жумладан анор, пиёз, ёнғоқ пўстлоғидан табиий услубда бўяганлар. Безаклар беришда эса ўсимликсимон ҳамда геометрик нақшлардан ёки ҳайвонлар ва қушлар тасвирини тушириш анъана тусига айланган. Аждодларимиз нафақат бизга ўзининг буюк кашфиётларини балки дурдона санъат асарларини яратиб қолдирганлар. Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Халқ амалий безак санъати анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб келиш билан бирга, зардўзлик санъатидаги ранг-баранг безакларининг такрорланмас жозибаси ҳам ривож топа борди. Айниқса Ўзбекистон мустақиллиги берган чексиз имкониятлар шарофати билан Бухоро зардўзи мактаблари ҳам янада равнақ топиб, жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Бухоро усталарининг зардўзлик касби отадан болага мерос бўлиб келган. Асли зардўз бўлган оиланинг ўғил фарзанди отасидан зардўзликни ўрганиб, ўз навбатида у ўз болаларига ўргатган. Пушти камаридан ўғли бўлмаган оталар бу касбни энг яқин қариндошларига ўргатганлар. Зардўзи санъати билан фақатгина эркаклар шуғулланган. Аёллар эса зардўзилик санъатига яқинлаштирилмаган, чунки зардўзиликда тилла, кумуш симлардан, турли хил қимматбаҳо тошлардан, дуру-гавҳарлардан кенг фойдаланишган. Аёллар зебу-зарга ўч бўлгани ва уларга ҳирс қўйиб ҳаётлари бузилиб кетмаслиги учун рухсат берилмаган. Маҳаллий

бозорларга XIX асрнинг иккинчи ярмида Англия ва Россия фабрикаларида ишлаб-чиқарилган матолар келтирила бошланган. Шундай бўлсада нафақат ўзимизнинг матоларга ҳатто четдан келтирилган матоларга маҳаллий зардўзи усталаримиз қўл мехнати орқали ўзимизнинг ота-боболаримиз аньаналарини давом эттираверіб ғайри оддий жозиба, нафосат ва ҳарорат уфуриб турадиган дурдона санъат асарлари яратилишига ҳеч қандай тўсқинлик қила олмаган. 1922 йилнинг ноябр ойида Бухоро давлат музей-қўриқхонаси ташкил топган бўлиб, музейнинг фонд захирасини бойитиш мақсадида, музей илмий ходимлари томонидан Бухоро воҳаси бўйлаб шаҳар (гузарларию), қишлоқ хонадонларида илмий изланишлар ва йиғув ишлари олиб борилган. Ҳозирги кунда "Этнография" фондида сақланиб келинаётган фаранги рўмолни ҳақиқий зардўзликнинг асл намунаси деб бемалол айта оламиз. Ушбу фаранги зардўзи рўмол музей фондига қандай келиб тушганлиги аниқ эмас. Рўмол Россиядан келтирилган фабрика маҳсулоти бўлиб, Бухоролик зардўзи ҳунармандлар томонидан ҳақиқий санъат асарига айлантирилган. Зардўзлик санъати азал-азалдан халқ амалий санъатининг дурдоналаридан ҳисобланади. Бунга мисол тариқасида, ушбу экспонатнинг, нодир дурдона нақшларининг юксак дид билан зардўзлик услубидаги нафис безак турларига кирувчи икки хил ўсимликсимон ва геометрик нақшларнинг уйғунлаштирилган ҳолатини моҳирона маҳобат билан тикилганлигига гувоҳи бўламиз. Қўлда тикилган зардўзи фаранги рўмол XIX аср охири XX асрнинг бошларига таълуқлидир. Бухоро аёллари зардўзлик кашталари билан безатилган фарангн рўмолини, тўғри икки букланган ҳолда бошга ташлаб юришган. Ушбу рўмолга таъриф берар эканмиз ўша даврдаги зар иплар юпқа энлик тилла ва кумуш иплар билан тикилган, ундаги тикилган деталлар кишини ҳайратга солмасдан иложи йўқ, зар иплар билан рўмолнинг четки композицияси 8 см дан 10 см.гача энликдаги тўрт томонлама нақш тикилган бўлиб, рўмолнинг тўрт томонида кундаланг тарзда жойлашган, бир-бирини такрорлайдиган тўлқинсимон нақшларнинг туташган жойларига кетма-кетлик билан тикилган доира (қуёш) ҳамда "бодоми гули чорбаргнок" - бодом тасвири, унинг юқори қисмида мажнунтолнинг эгилган баргли новдалари ва се барг-уч япроқли барг мотивлари ўзига хос маъно касб этади. . Рўмолнинг марказий композициясида медалионга шу даражада аниқлик билан, геометрик ҳамда ўсимликсимон нақшлар бир-бирига уйғунлаштирилган ҳолда тикилган-ки, доиравий тасвирлар тикувчининг севимли мотивларидан бири ҳисобланган. "Доирагул", "тўпбарг-чорбарг", "мажнунтол новдалари" ва "тўлқинсимон уч япроқли барг мотивлари" кўринишдаги нақшлар алоҳида маъно касб этади. Яна шунга амин бўламизки унда қуёш, тўлин ой, ҳатто само жисмларидан юлдузлар тасвирини ҳам кўриш мумкин. Чок гуллар турларидан бири бўлган "кандорий ҳашт бахягий"-саккиз бахяли кандахорча нақш доира ичида 3 маротаба такрорий тикилган, марказий қисмида эса "мавжи ханжарий" нақши учбурчак майдонни тўлдириб турувчи тикиш безаги, бахялар бир-бирига ёнма-ён тикилганлиги ҳамда, рўмолнинг тўрт томон бурчагида "қўшбодом" ва "тагалак-кучкорак" нақшлари рўмолга ўзгача жозиба бериб тикилганини гувоҳи бўламиз. Масалан: **доирагул**-қуёш тасвирига ўхшаш, қуёш она заминимизга ҳаёт бағишловчи манба бўлса, **бодом** шу даражада безатиб тикилганки гўё садаф ичидаги дурга қиёслаш мумкин. Шарқнинг кўп халқлари сингари Бухоро аҳолисида "**бодом-** узоқ умр, лаззатли турмуш", **мажнунтол новдалари** эса қиз-жувонларнинг сунбул сочларига таърифланган.

Гуллар туридаги нақшлар учун гул атамаси, барглар туридаги нақшлар учун барг атамаси ном бўлиб қолган. Бодом ичидаги гули чорбарг – тўрт япроқли гул. Масалан, турт япрокли гул накши худди ана шундай ўзгаришни бошидан кечириб, эндиликда у кунгирадор пештоқни эслатувчи **чор мадохил** (тўрт дарвоза) деб атала бошланди. (мадохил арабча – кириш дегани). Бундан ташқари қучқорак нақши ҳам бўлиб у ўзгача

чирой ато этган.

Баъзи санъатшунослар таъкидлаганларидек Ҳирот нақши деб ном олган “доирагул”, асли Ўрта Осиёдан келиб чиқган дейишади. Қадимги аждодларимиз табиат ёритгичларига бўлган сиғиниш, уларга бўлган ҳурмат ва эътиқод, улар тасвирини эъзозлаб ўз асарларида кўрсатишга ҳаракат қилишган.


Ватанимиз мустақилликга эришгандан сўнг, халқимизнинг тарихий, маданий-маънавий меросини асраб авайлаш ва келажак авлодларга етказиш, қайта тиклаш, таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратилди. Шу жумладан музей фонди ва экспозициясида экспонатларни ҳам асраб авайлаш мақсадида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бухоро давлат бадиий-меъморчилик музей фондида экспонатлар устидан олиб борилган профилактика ишлари жараёнида юқорида тариф келтирган экспонат таъмирталаб ҳолга келганлиги аниқланди ҳамда таъмирлаш мақсадида Таъмирлаш бўлимига берилди.

Асрлар, йиллар оша бизгача етиб келган бу экспонат балким ўз сохибаси қўлида узоқ вақт ишлатилганлиги сабаб ё бўлмаса музей фондига қабул қилингандан кейин узоқ йиллар мобайнида кўргазма залларини безаб турганлиги сабаб унга тикилган зардўзи безакларининг оғирлиги туфайли таъмирталаб ҳолга келиб қолган бўлиши мумкин. Ушбу сарандоз фаранг рўмолининг ўрта қисмидаги медалион атрофларида катта йўқолган ва титилган жойлари яққол кўриниб турибди. Рўмолнинг бошқа тарафларида ҳам жуда кўп титилган жойлар мавжуд. Сарандоз рўмолга яна қайта жозиба ва кўрк бахш этиш ҳамда келажак авлодларга бекаму кўст етказиш мақсадида таъмирлаш ишлари замонавий қўлланмалар асосида амалга оширилди. Экспонатни яхшилаб кўздан кечириш, уни ювиб қуритиш ҳамда йўқолган жойларига ўзига мос мато қўйиб (орқа тарафидан яхлит) тикиш усуллари билан, умуман тиклашни имкони бўлмаган жойларини махсус клей орқали қотириш ишлари амалга оширилди. Таъмирлаш ишлари мувафаққиятли якунланиб, музей фондига топширилди. Ўйлаймизки яна бир неча йиллар давомида бу экспонатлар музей кўргазма залларини безаб туради деган умиддамиз. Ўзбек аёлларининг ғурури, иффати бўлган бу нодир дурдона асарни келажак авлодларга бор ҳолича етказишда ўзимизнинг тажриба ва салоҳиятимизни ишга солиб қўлимиздан келгунча ҳаракат қиламиз. Бу ноёб буюмларни таъмирлашдан мақсад, музей кўргазма залларини бойитиш, уларни асраб қолиш ҳамда аждодларимиз қолдирган буюк меърос билан жаҳон аҳлини ҳайратга солишдан иборатдир.

Ҳозирги кунларда Ўзбекистонимизга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ Шарқнинг гўзал хотин-қизлари томонидан яратилаётган ва уларнинг ҳақиқий санъат устида иш олиб бораётганлигига гувоҳ бўлмоқдалар ва бу санъат турига бефарқ эмасликлари яққол кўриниб турибди. Зардўзи кийимлар ҳозирги кунда келинчакларнинг миллий ҳамда анъана тусига кирган севимли кийимига айланган. Ваҳоланки ҳозирда бирорта ўзбек хонадони келини ёки бошқа халқ аёллари ҳам либосларга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Нафосатга бой ўзбек хотин-қизлари чинакам меҳнат қилиб, нодир асарлар яратиб зардўзлик санъатининг хазинасига катта ҳисса қўшмоқдалар. Қадимий ва ҳамиша навқирон санъат турларидан бири бўлган зардўзлик санъатининг келажаги порлоқ.

Таъмирлашдан олдинги ҳолати





Таъмирлашдан сўнгги ҳолати




1731/9

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Бухоро зардўзий санъати” П.А.Гончарова.1986 й.
2. “Золотое шитьё Бухары” А.И.Сидоренко, А..Р. Артыков, Р.Р.Раджабов. 1981 й.
3. «Ўзбек миллий кийимлари» Н. Содиқова. 2001 й.